



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ ИМИЖИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси катта ўқитувчиси,
катта лейтенант

abdukhalilovkhojiakbar99@gmail.com

ORCID: 0000-0002-8479-7672

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17175819>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-Sentabr 2025 yil

Ma'qullandi: 18-Sentabr 2025 yil

Nashr qilindi: 22-Sentabr 2025 yil

KEY WORDS

ижтимоий тармоқ, instagram, youTube, ички ишлар органлари ходимлари, маъмурий жавобгарлик, дезинформация, kun.uz, qalampir.uz, сарлавҳа эффекти.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ички ишлар органларининг ижобий имижини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ижтимоий тармоқларнинг бу борадаги роли таҳлил қилинган. Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган дезинформацияларга алоҳида тўхталиб, ИИОни соҳавий хизматлар кесимида имижини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган..

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти жамоатчилик билан самарали алоқалар ўрнатишнинг янги воситаларини шакллантирди. Хусусан, ижтимоий тармоқлар ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий имижини оширишда муҳим майдон сифатида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлар орқали ахборот тарқатиш жараёнида ахборотнинг аниқлиги, ишончлилиги ва ҳуқуқий меъёрларга мослиги таъминланиши лозим. Улар орқали тарқатилаётган айрим тасдиқланмаган ва ҳақиқатдан йироқ бўлган видеолар ички ишлар органлари ходимлари имижига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бугунги кунда ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида **халқчил** профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь кунидаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорининг қабул қилиниши **“ички ишлар органлари ходимининг ижобий имижини шакллантириш”** бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқ платформаларида ИИО ходимлари иштирокидаги зиддиятли вазиятлар тез тарқалиб, кенг

омма эътиборига тушмоқда. Айниқса, ушбу вазиятлар аксарият ҳолларда қўшимча **монтаж** орқали ёритилиши, ИИО ходимларининг **жисмоний куч** ёки **махсус воситалар** қўллаш билан боғлиқ фаолиятининг бир томонлама тасвирланишига олиб келмоқда. Бу эса ижтимоий тармоқ кузатувчилари томонидан салбий баҳоланиб, аҳолида ИИО тизимига нисбатан ишончсизлик туйғусини шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 28 август куни **YouTube** платформасида **“qalampir.official”** номи билан рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситасининг *“Ички ишлар ходими томошабин. Андижонда 3 киши 2 одамни ўласи қилиб дўппослади”* сарлавҳаси остида жойлаштирилган видеоролиги ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан жами **16 412** маротаба кўрилиб, **605** маротаба рағбатлантирилган (*Like*) ҳамда **151** та салбий мавзудаги *“изоҳлар”* қолдирилган.

Айнан ушбу видеоролик **“Instagram”** платформасининг **“qalampir.uz”** расмий саҳифасида ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан жами **994 000** маротаба кўрилиб, **10 300** маротаба рағбатлантирилган, **3 286** маротаба турли мавзулардаги носоғлом (*jololov_ikrom: ИИБ ходимида на қурол на палка бор, фақат телефон кўлида, калтак ейди аралашса*) ва амалда фаолият олиб бораётган ИИО ходимларидан норози бўлиб (*wum.bola90: ИИБ ходимида уят, ундан ажратаётган аёлларга раҳмат*) ички ишлар органлари ходимларининг ижобий имижига салбий таъсир қиладиган изоҳлар қолдиришган.

Бу эса ўз навбатида ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг кундан-кун ортиб бораётганликлари, уларга берилаётган маънавий озуқа эса нақадар ҳақиқатга мос келиши ва текширилганлиги айрим ОАВ вакиллари учун энг охири савол бўлиб қолмоқда. Республиканинг турли жойларида ИИО ходимлари, ОАВ вакиллари, блогерлар ва фаол фуқаролар билан мулоқот қилиш жараёнида ёки **“102”** қисқа рақамига келиб тушган қўнғироқ бўйича воқеа жойига етиб борган ходимлар ўртасида юзага келаётган зиддиятли вазиятларни турли **салбий мазмундаги сарлавҳалар билан** (айниқса сўроқли: *“Ҳоким вояга етмаган қизни зўрладими?”*, *“Навоийда чемпион фуқарони бир уриб, “ухлатиб” қўйдими ва ҳ.к.*) остида ижтимоий тармоқларга жойлаб **дезинформацияни** яралишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари томонидан нашр этилаётган айрим янгиликларнинг фақат **сарлавҳаларини** ўқиш билан чекланган аудитория ва кузатувчилар, мазкур янгиликнинг тўлиқ матни билан танишмасдан туриб, хулоса чиқариш орқали нотўғри интерпретация қилишмоқда. Бу ҳолат когнитив таҳлилларга кўра, **“сарлавҳа эффекти” (headline effect)** деб номланувчи психологик феномен билан боғлиқ бўлиб, унда фойдаланувчиларнинг маълумотни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида субъектив талқинлар устуворлик қилади, натижада **дезинформация тарқалишига олиб келади.**

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 202²-моддасида шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган **ёлғон ахборотни тарқатиш**, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида

тарқатганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Мисол учун “**qalampir.uz**” расмий сайти томонидан жорий йилнинг 2 сентябрь куни “Instagram” ижтимоий тармоғи орқали **“Навоийда чемпион фуқарони бир уриб, “ухлатиб” қўйдими?”** сарлавҳаси остида жойланган видеопости жами 396 637 марта томоша қилинган. Ҳолат тўлиқ ва батафсил ўрганилганда воқеа жорий йилнинг 22 август куни тунги соат 2:00 ларда Навоий шаҳар “Зиёкор” маҳалласи худудида содир этилганлиги, гумонланувчи фуқаро С.А. **олимпиада чемпиони эмаслиги**, ўша куни ресторанга 1995 йилда туғилган диск улоқтириш бўйича икки карра Параолимпиада чемпиони, фуқаро Э.С. билан биргаликда унинг автомашинасида борганлиги, С.А. ва ресторан ходими ўртасида ўзаро тортишув келиб чиққан жараёнда фуқаро **Элбек Султонов** автомашина салонида бўлгани ва ҳолатга кейинчалик аралашиб, фуқаро С.А.ни тинчлантиришга ҳаракат қилганлиги ҳамда жабрланувчи фуқарога тезкорлик билан ёрдам кўрсатганлиги маълум бўлди.

Qalampir.uz томонидан жойланган ушбу постнинг изоҳлари таҳлил қилинганда янгилик билан охиригача танишмаган тармоқ фойдаланувчилари томонидан (**asico_98**: “Чемпионлар қутирди шекилли”, **gulomzhan.ismailov**: “Машинани қайтариб олиш керак, ўзидан кетиб қолган булар”, **nodir_0350**: “Кимлигини билади бизда, фақат яширади. Қани кучли қонун?”) каби салбий фикрлар билдирилган бўлса, бошқа кузатувчилар томонидан **“qalampir.uz сарлавҳани тўғри қўйсангиз бўлар эди. Бир бегуноҳ одамга туҳмат қилгандай бўлиб қолаяпсиз”** мазмунида қолдирилган бир нечта изоҳлар ҳам кўриш мумкин. Аммо, спортчини номини булғаб, уни ҳақорат қилганлар **“янгиликни охиригача ўқинглар спортчи урмаган”** – деган кузатувчилардан бир қанча кўпроқ.

Ваҳоланки, Навоий вилояти ИИБ ушбу ҳолат юзасидан расмий муносабат билдирган бўлса-да, спортчига нисбатан қилинган асоссиз айбловлар унинг узоқ йиллар давомида шакллантирган ижтимоий обрўсига путур етказди. Бу орқали келтирилган маънавий зарар спортчининг профессионал фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

Юқоридаги каби вазиятлар аҳоли орасида ИИО ходимлари билан ҳам кўплаб бўлиб туради, ушбу ҳолатлар уларда салбий стереотиплар ва қарашларнинг кучайишига хизмат қилади. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш учун ИИО тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик билан самарали мулоқот механизмларини кучайтириш, шунингдек, аҳолининг медиа саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Шу масала юзасидан туман (шаҳар) ИИБлари таркибий тузилмаларида **“Ахборот хизмати”** гуруҳи инспектори лавозимларининг ташкил этилмаганлиги ИИО фаолиятига оид маълумотларни тизимли равишда ёритиш имкониятини чеклаб, жамоатчиликка тақдим этилаётган маълумотлар асосан ташқи оммавий ахборот воситалари орқали тарқалишига олиб келмоқда.

Хусусан, **“Kun.uz”**нинг **“Instagram”** даги расмий саҳифасида Наманган шаҳрида фуқаро ички ишлар бўлими биносида қийноққа солинганлиги ҳақидаги видеоролиги ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан жами **1 656 625** маротаба кўрилиб, **43 806** маротаба рағбатлантирилган, **5 063** маротаба турли салбий мавзудаги изоҳлар қолдирилган ҳамда **11 100** маротабадан кўпроқ тарқатилган.

Айнан шу каби вазиятлар юзасидан аслида ҳолат қандай бўлганлигини назарда тутувчи ишончли ва текширилган маълумотлар тегишлилиги бўйича соҳавий хизматларнинг ахборот хизмати томонидан ОАВларида ёритилиши керак.

Бу ҳолат ўз ўрнида тегишли тартида ёрилимаслиги сабабли, маълумотларнинг бир ёқлама талқини, текширилмаган маълумотлар ва журналистик сенсациялар шаклида жамоатчиликка етказилишига замин яратади. Бу эса ички ишлар органларининг ижтимоий имижини ва жамоатчилик ишончининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Айрим ҳолатларда ИИО ходимлари журналист ва блогерлар билан мулоқот жараёнида ўзларини йўқотиб қўйиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Шу сабабли, **“Ички ишлар органлари ходимларида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар билан мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш махсус ўқув курси”**ни видеодарс шаклида тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Ундан ташқари, 2026-2027 ўқув йилидан ИИВ Академияси Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш кафедраси томонидан “Юридик психология” фани ўтилиши режалаштирилган. Ушбу фан доирасида **“Оммавий ахборот воситалари билан зиддиятли вазиятларда ИИО ходимларининг эмоционал барқарорлиги ва ўзини бошқариши”** номли мавзунини киритиш, шу орқали ИИО ходимларининг ОАВ қаршисида тўғри ҳаракат қилиш асослари ва кўникмаларини хосил қилиш келгусида юқорида назарда тутилган муаммоларнинг туб ечими бўлади.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар илғор хориж тажрибасини ўрганган ҳолда таҳлил қилинди. Таҳлилларга кўра АҚШда йирик департаментларда матбуот хизматлари ёки жамоатчилик ахборот ходимларига эга. Кичик бўлинмаларда (50 дан кам ходимли) матбуот хизматлари камдан-кам учрайди. Буюк Британияда маҳаллий бўлимлар матбуот хизматларига эга эмас.

Канада ҳам йирик департаментлар (Торонто полицияси, Оттава полицияси) медиа марказларига эга. Кичик бўлимлар матбуот хизматларига эга эмас, мувофиқлаштириш вилоят даражасида ёки Канада Қироллик отлик полицияси орқали амалга оширилади.

Австралияда матбуот хизматлари штатлар даражасида (НСВ полицияси, Викториа полицияси) мавжуд. Маҳаллий бўлимлар махсус матбуот бўлимларига эга эмас, мувофиқлаштириш марказлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда хориж тажрибаси шунини кўрсатадики, қўйи полиция тизимлари кесимида **“Ахборот хизмати”** гуруҳлари ташкил этилмаган. Уларнинг функцияларини марказий бошқарув аппаратидаги департаментлар, ҳудудий ИИО лари амалга оширади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ИИВ ЖХД таркибидаги **“Ахборот хизмати”** гуруҳи штат бирликлар сонини ошириб, ҳар бир хизмат бўйича (ДЙХХХ бундан ташқари. Сабаби ўзининг ахборот хизмати мавжуд) алоҳида қўйидаги кўринишда қайта тақсимлаш мақсадга мувофиқ:

ИИБ ЖХД “Ахборот хизмати” гуруҳи		
ИИБ ЖХД “Ахборот хизмати” гуруҳи инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бўйича	ИИБ ЖХД “Ахборот хизмати” гуруҳи инспектори патрул-пост хизмати бўйича	ИИБ ЖХД “Ахборот хизмати” гуруҳи инспектори пробация бошқармаси бўйича
1 нафардан	1 нафардан	1 нафардан

Таклифнинг амалга оширилиши натижасида қатор ижобий натижаларга эришиш мумкин. Жумладан, ИИБ ЖХД “Ахборот хизмати” гуруҳи инспекторлари ўз йўналиши бўйича (**ХПХ, ППХ, пробация**) туман (шаҳар) миқёсида содир бўлган ИИОлари боғлиқ ҳар қандай ходиса ва янгиликларни ўз расмий саҳифаларида ёритиб боради. Шу орқали айрим оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган нотўғри маълумотларни тезкор, холис ва манбалари аниқ тарзда тақдим этилишига замин яратади.

Шу билан бирга, ИИБ фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали жамоатчилик ишончи ошади, институционал имиж мустаҳкамланади ҳамда дезинформация ва асоссиз хулосаларнинг олди олинади. Натижада, жамиятда ички ишлар органларига нисбатан ижтимоий адолат, ишонч ва ҳамкорлик муҳити янада кучаяди.

ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти таркибида “Ахборот хизмати” гуруҳи штат бирликларини ошириш, аввало, ижтимоий тармоқларда юзага келаётган зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш, оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган асоссиз маълумотларнинг таъсирини камайтириш ва дезинформация жараёнларига чек қўйиш имконини яратади.

Натижада аҳолига етказилаётган хабарлар тезкор, холис ва ишончли манбалар орқали тақдим этилади, бу эса жамоатчилик онгида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди. Шу орқали ИИО ходимларининг ижобий имиж мустаҳкамланиб, уларга нисбатан ишонч, ҳурмат ва қонунийликка таянилган муносабат шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-10-сон Қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 15.04.2021 йилдаги ПҚ-5076-сон Қарори;
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
4. Хакимов, И. Репрессивные меры как инструмент предупреждения правонарушений // Вестник Академии МВД РУз. – 2021. – № 3. – С. 12–18;
5. Юсупов, М. Профилактика административных правонарушений: теория и практика // Журнал правовых исследований. – 2023. – № 1. – С. 33;

6. Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях. – Астана, 2024;
7. Абдухалилов Х., Валиев Б. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-119;
8. Абдухалилов Х., Усмонов А. СУВ ТОШҚИНЛАРИ ПАЙТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 299-307;
9. Абдухалилов Х., Фозилова Э. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОФИЛАКТИКИ КОРРУПЦИОННЫХ ПРАВОНАРУШЕНИЙ //Международная конференция академических наук. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 99-106.

